



# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
келажаги  
буюк  
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

http://xs.uz

E-mail: Info@xs.uz

2013 йил 27 август, № 167 (5841)

Сешанба

## ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ



**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов 25 август куни Оқсаройда “Шарқ тароналари” IX халқаро мусиқа фестивалида иштирок этиш учун мамлакатимизга ташриф буюрган Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти — ЮНЕСКО Бош директори Ирина Боковани қабул қилди.**

Давлатимиз раҳбари меҳмоннинг ЮНЕСКО раҳбари сифатида юртимизга илк ташрифи мамлакатимизни янада яқинроқ билиш, халқимизнинг бой тарихий-маданий мероси билан танишиш имконини беришига ишонч билдирди.

Томонлар Ўзбекистоннинг бой маънавий меросини тиклаш ва чуқур ўрганиш борасида самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда, маданият, таълим, фан ва бошқа соҳаларда турли лойиҳаларни биргаликда амалга оширмоқда.

Ўтган 20 йил мобайнида ЮНЕСКО шафелигида Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Аҳмад Фарғоний, Имом Бухорий, Камолитдин Беҳзод каби буюк аждодларимиз, Самарқанд, Бухоро, Хива, Термиз, Шахрисабз, Қарши, Тошкент, Маргилон сингари дунёга машҳур шаҳарларимиз, “Алпомиш”, “Авесто” каби бебаҳо адабий ёдгорликлар, шунингдек, Хоразм Маъмур академиясининг юбилейлари халқаро миқёсда кенг нишонланди.

Самарқанд, Бухоро, Хива ва Шахрисабз шаҳарларининг тарихий-маданий объектлари ЮНЕСКОнинг Жаҳон маданий мероси рўйхатига киритилган. ЮНЕСКО қарорига мувофиқ, 2001 йилда Бухоро “Тинчлик шаҳри” деб эълон қилинди. Бойсун маданий мероси, Шашмақом, Катта

ашула ва Наврўз инсониятнинг номоддий маданий мероси сифатида ЮНЕСКОнинг Репрезентатив рўйхатига киритилган.

Ирина Бокова самимий қабул учун Ўзбекистон Республикаси Президентига миннатдорлик билдириб, Ислон Каримовни мамлакатимиз мустақиллигининг 22 йиллиги билан табриклади. Дунёнинг энг қадимий шаҳарларидан бири — Самарқандда ЮНЕСКО шафелигида ўтказилаётган, мамлакатлар ва халқлар ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик ришталарини, маънавий ҳамфикрликни мустаҳкамлашга қаратилган олижаноб ғоя ва мақсадлари боис тобора оммавийлашиб бораётган IX халқаро санъат ва маданият анжуманининг муваффақиятли ўтишига тилак билдирди.

Меҳмон Ўзбекистоннинг бутун дунёда тан олинаётган ютуқлари барча соҳаларда узокни кўзлаб амалга оширилган ислохотлар, Ўзбекистон раҳбарининг маданият ва таълимни ривожлантириш, ёш авлодни миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялашга қаратаётган доимий эътибори самараси эканини алоҳида таъкидлади.

(Ў.А.)  
Сарвар ҲУМОНОВ  
олган сурат.



«Обод юртингизни кўриб, ҳавасимиз келди»

Мамлакатимиз мустақиллигининг 22 йиллиги яқинлашаётган шу кунларда Самарқанд шаҳрида бўлган киши энг улуғ ва энг азиз байрам ҳамда “Шарқ тароналари” тўққизинчи халқаро мусиқа фестивалининг шукуҳи кезиб юрганлигини ҳис қилади.

Чунки кўҳна ва ҳамиша навқирон шаҳарнинг ҳар бир худуди, маҳалласи, кўчаси ана шу катта тантаналарга муносиб тарзда безатилган.

Фестиваль иштирокчилари, хоржилик меҳмонлар вилоят фаоллари ҳамроҳлигида соҳибқирон Амир Темур ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйишди.

— Мен дунёнинг турли мамлакатларида кўплаб анжуман ва фестивалларда қатнашганман, — дейди индонезиялик Жакоб Якуб Буллан. — Албатта, уларнинг барчаси ўзига хос, бир-бирини такрорламайди. Лекин бугун амин бўлдимки, “Шарқ тароналари” бу каби фестивалларнинг энг аълоси экан. Яна бир нарсани тан олиб, этироф этмоқчиманки, шу пайтгача Ўзбекистон, Самарқанд ҳақида етарли тасаввурга эга эмас эканман. Ушбу нуфузли фестивал туфайли юртингизга келиб, кўп нарсанга гувоҳ бўлдим, таассуротим бойиди, дунёқарашим ўзгарди.

(Давоми 2-бетда).

Юртимизда истиқлол шарофати билан миллий урф-одатларимиз ва уларнинг замирида мужассам бўлган меҳр-оқибат, турли муаммоларни биргаликда ҳал қилиш каби ибратли қадриятлар тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Бу борада маънавий ҳаётимизнинг узвий қисми ва умуммиллий аънонага айланган ҳашар удуми алоҳида ўрин тутди.

## Яратувчанлик ва эзгулик ифодаси

Зеро, ҳашар пайтида маҳалла худудларини, гузарлар, кўчалар, муқаддас қадамжолар, зиёратгоҳ ва қабристонларни тартибга келтириш ҳамда ёлғиз қариялар, ногиронлар, боқувчисини йўқотган, кам таъминланган оилаларга моддий ва маънавий ёрдам

### УМУМХАЛҚ ХАЙРИЯ ХАШАРИ

кўрсатиш умумхалқ ҳаракатига айланади. Айни чоғда ҳашар кишилар ўртасида ўзаро ёрдам, инсонпарварлик, олижаноблик, савоҳатпешалик каби эзгу туйғуларни ёшлар онига сингдиришга хизмат қилиши билан янада аҳамиятлидир.

Мамлакатимизда 24-25 август кунлари умумхалқ хайрия ҳашари кўтаринки кайфият ва ўшаниқлик билан ўтказилди. Мустақиллигимизнинг 22 йиллиги байрамини муносиб нишонлашга тайёргарлик кўриш, халқимиз орасида миллий қадриятларимизга хос ўзаро меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатликни янада кучайтириш, маҳаллалар, аҳоли тураржойларини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш мақсадида ўтказилган умумхалқ хайрия ҳашарида юртдошларимиз фаол иштирок этишди. “Маҳалла” хайрия

жамоат фонди республика бошқаруви, унинг худудий бўлим ва бўлинмалари, “Камолот” ЕИХ, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари, корхоналар ва ташилотлар ҳамкорлигида қилинган ушбу тадбирларда худудлардаги тураржой мавзелари ва аҳоли пунктлари, кўп қаватли бино ҳамда ҳовлилар, гузарлар, хиёбонлар, зиёратгоҳ ва қабристонлар, ариқ ва лотоклар, болалар майдончалари, кўча ва йўлақлар тартибга келтирилиб, дарахтларга шакл бериш юмушлари бажарилди. Кексалар ва ногиронлар, ёлғиз қариялар, боқувчисини йўқотган кам таъминланган оилаларнинг уй-жой шароитини яхшилашга кўмаклашишдек хайрли ишлар ҳам рўёбга чиқарилди. Юртимиз бўйлаб кенг кўламли бунёдкорлик, ободончилик ишлари амалга оширилди, натижада мамлакатимиздаги қишлоғу шаҳарлар, кўчаю хиёбонлар, майдонлар энг улуғ, энг азиз байрамимиз арафасида янада кўркам қиёфа касб этди.

(Давоми 2-бетда).

Ирина БОКОВА:

## ЎЗБЕКИСТОНДА ТАЪЛИМ, ФАН ВА МАДАНИЯТ ИЗЧИЛ РИВОЖЛАНМОҚДА

Санъат миллатию тилидан қатъи назар, элу элатларни бирлаштиради, уларни эзгу ришталар билан боғлайди. Ватанимиз мустақиллигининг йигирма икки йиллик байрами арафасида Самарқанд шаҳрида ўтказилаётган “Шарқ тароналари” IX халқаро мусиқа фестивалида бу жиҳатлар яна бир бор ўзининг ёрқин ифодасини топмоқда. Ҳар галгидек, бу йил ҳам ушбу халқаро мусиқа анжуманида иштирок этиш мақсадида юртимизга дунёнинг

— Ўзбекистоннинг санъат, маданият ва таълим соҳаларида кўлга киритаётган ютуқлари хусусида нима дея оласиз?

— Успенский номидаги Республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейи менда

ғоят катта таассурот қолдирди. Ушбу лицейда тахсил олаётган иқтидорли ёшларни кўриб, уларнинг ижро намуналаридан баҳраманд бўлиб, жуда таъсирландим. Бу Ўзбекистон Президенти Ислон Каримовнинг санъат соҳасидаги таълимни ривожланти-

турли мамлакатларидан ижодий жамоалар, санъат илҳомландлари, халқаро ташкилотлар вакиллари ташриф буюрди.

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎЗА мухбири фестивалнинг фахрий меҳмони — Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти — ЮНЕСКО Бош директори Ирина БОКОВА билан суҳбатлашди.

(Давоми 2-бетда).

### ДИЛ СЎЗИ

Халқимизнинг энг улуғ, энг азиз байрами — Ватанимиз мустақиллиги куни арафасида Президентимиз Фармонида биноан, менга “Ўзбекистон Қаҳрамони” юксак унвони берилди.

## Юксак эътибордан беҳад миннатдорман

Очиги, менинг ва фермер хўжалигимиз жамоасининг меҳнати бунчалик юқори баҳолангани ҳақидаги хабарни эшитганимизда, кўнглимизда туғилган туйғуларни сўз билан ифодалаш мушкул эди. Бу йилги мавсумда давлатга 230 тонна сара дон топшириб, шартнома мажбуриятини муваффақиятли бажардик. 134 гектар галла майдонининг ҳосилдорлиги ўртача 70 центнерни ташкил қилди.

(Давоми 2-бетда).

## Тинчлик ва барқарорликнинг муҳим таянчи

Мустақиллигимизнинг йигирма икки йиллигини нишонлаш арафасида турибмиз. Ҳар гал энг улуғ, энг азиз айёмимиз яқинлашганида шу ўтган йилларни бир-бир ёдга олиш, амалга оширилган ишларни сарҳисоб қилиш ўзига хос аънонага айланган.

### БАҲРИКЕНГЛИК

Бизга чексиз гурур бағишлайдиган жиҳати шундаки, Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида узокни кўзлаб олиб борилаётган кенг кўламли ислохотлар туфайли ҳар бир соҳада йилдан-йилга юксак натижалар кўлга киритилиб, халқимиз турмуш даражасини яхшилаш, ҳаётини янада фаровон қилиш учун мустаҳкам асос яратилмоқда. Шубҳасиз, бунда юртимизда ҳукм сураётган тинч-

лик ва осойишталик, миллатлараро ҳамда конфессиялараро тотувликнинг аҳамияти бекиёс. Дарҳақиқат, ҳамжиҳатлик, бағрикенглик, олижаноблик ва ўзаро меҳр-оқибат тушунчалари қарор топган юртда файзу барақа бўлади, тараққиёт сари дадил одимланади. Халқимиз ҳамisha юксак қадрлайдиган бу фазилатлар истиқлол шарофати билан ҳуқуқий жиҳатдан ҳам ўзининг амалий

ифодасини топди. Жумладан, Конституцияимизнинг 4-моддасида “Ўзбекистон Республикаси ўз худудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва аъноналари ҳурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратади”, деб қайд этилган бўлса, 18-моддасида “Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, irqи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, этникиди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар” деб белгилаб қўйилган.

(Давоми 2-бетда).

Жорий йилнинг биринчи ярмида мамлакатимизда алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари

БИР РАҚАМ ШАРҲИ **21,5** фоизга ошди.

Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш дастури доирасида ахборот-коммуникация технологиялари базасида янги турдаги хизматларнинг жорий этилгани туфайли ана шундай юқори кўрсаткичга эришилди.

(Давоми 2-бетда).

Ирина БОКОВА:

# ЎЗБЕКИСТОНДА ТАЪЛИМ, ФАН ВА МАДАНИЯТ ИЗЧИЛ РИВОЖЛАНМОҚДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Бу ерда нафақат ҳақиқий иқтидор эгаларини, балки ўз ишига меҳр қўйган, касбига катта эътибор, касбига катта маъсулият билан ёндашадиган ўқитувчиларни ҳам кўрдим.

Таълим-тарбия ва санъат ривожига бундай ёндашув албатта ўзининг юксак самараларини беради. Шу боис болаларга "Болажонлар, сиз эртага жуда машҳур санъаткор бўлиб етишасиз. Ушанда мен сизнинг расмингизни кўрсатиб, бир пайтлар сиз билан шахсан танишиш бахтига муяссар бўлганимни айтиб, мақтанаман", дедим.

— "Шарқ тароналари" халқари мусиқа фестивали хусусидаги фикрингизни билмоқчи эдик.

— Дунёга доврүк таратган, тўққизинчи бор ўтказилган мазкур халқаро фестивалда иштирок этиш учун тақлиф этилган менга катта мамнуният бағишлайди. ЮНЕСКО "Шарқ тароналари" халқари мусиқа фестивалининг ўтказилишини ҳамшира қўллаб-қувватлаб келган. Биз учун анъаналарни, яъни номоддий меросни сақлаб қолиш ва асраб-авайлаш жуда муҳимдир.

— Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ҳақидаги таассуротларингиз қандай?

— Ушбу кутубхона жойлашган бино ҳамда йирик форумлар ўтказишга мўлжалланган, мукамал меъморчилик намуналарига эга мухташам Симпозиумлар саройи, ундаги заллар ҳақида алоҳида тўхталиб ўтишни истардим. Эътиборини тортган жиҳат шуки, кутубхонада X-XI асрларга оид жуда қадимий нашрлар, қўлёзмалар ва ҳужжатлар, хусусан, ЮНЕСКОнинг "Дунё хотираси" дастурига киритилган Усмон Муҳаффининг нусхаси сақланар экан. Мазкур бебаҳо асарларни асраб-авайлаш борасидаги ишларга айтса арзийди. Бу китоблар бутун инсоният учун жуда қадридлир. Энг қувонарлиси шундаки, кутубхонада ахборот манбаларидан эркин фойдаланиш имкони мавжуд. Агар биз биллими жамият курмоқчи бўлсак, барча учун ахборот очиқлигини яратиб беришимиз даркор. Айниқса, дам олиш куни бўлишига қарамай, залларда жуда қўллаб ёш китобхоналарга кўзим тушди. Уларнинг ўқиб-изланаётганини кўриб, жуда таъсирландим. Шунинг

ўзи мазкур кутубхонада ахборот олиш учун барча шароит мавжудлигини далолат беради.

— Бу йил Ўзбекистон билан ЮНЕСКО ўртасида ҳамкорлик йўлига қўйилганига йигирма йил тўлади. Узаро алоқаларимизнинг ривожига ҳақида нима дея оласиз?

— Дарҳақиқат, жорий йилда биз ҳамкорлигимизнинг йигирма йиллигини кенг нишонлаш ниятидамыз. Ўзбекистон раҳбарияти ЮНЕСКО фаолиятини доим қўллаб-қувватлаб келган, Тошкентда ваколатхонамиз бор. Таълим ва маданиятни, маданий меросни асраб-авайлаш борасида яқин ҳамкорлик қилиб келямиз. Ўзбекистонда ЮНЕСКОнинг Жаҳон маданий мероси рўйхатига киритилган дурдона тарихий-меъморий обидалар кўп.

Ўзбекистон — буюк келажак сари дадил интилаётган мамлакат. Юртингизда сифатли таълим, фан ва маданият, ахборот технологиялари изчил ривожланмоқда. Буларнинг барчаси таълимимиз билан Ўзбекистон ўртасида истиқболли ҳамкорлик учун катта салоҳият мавжудлигини далолатдир.

ЎЗА МУХБИРИ ИРОДА УМАРОВА СУХБАТЛАШДИ.

## «Обод юртингизни кўриб, ҳавасимиз келди»

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Шаҳару қишлоқлари гўзал, тарихи ва ўтмиши шарафли, бугуни фаровон, келажиги буюк юртни кўриб, чин дилдан ҳавас қилдим. Ўзбекистонда амалга оширилаётган эзгу ислохотлардан таъсирландим. Буларнинг барчаси мустақил ва дадил одимлаётган мамлакатнинг улугвор муваффақиятларидан дарак беради. Шундай юрда бўлиш, унинг жозибасидан қувониб, қадимий анъаналарнинг

эъозланаётганини кўриш — бахт. Биз ана шу бахтдан масрурмиз. Мана, қўлимда "Sasando" мусиқий асосби. Бу соз пальма япроқлари ва кокос тангаларидан ясалган. Унинг ёрдамида куй чалиб, ҳамроҳим Очқ Марисса билан бу галги "Шарқ тароналари"да кўшиқ куйлаймиз...

Маросимда ЮНЕСКО Бош директори И. Бокова, Самарқанд вилояти ҳокими З. Мирзаев қатнашди.

Мамадиёр ЗИЁДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

# Яратувчанлик ва эзгулик ифодаси

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

— Барча ҳудудларда ободонлаштириш ва тозаллик ойлгини ҳамда 24-25 август кунлари умумхалқ хайрия ҳашарини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича Фонднинг республика бошқарувида ишчи гуруҳи тузилди, кунлик маълумот ва натижалар тақлиб қилиб берилди, — дейди "Маҳалла" хайрия жамоат фонди республика бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари Д. Аллаев. — Ҳашарда 17 миллион нафардан ортиқ киши қатнашди. Икки кун давомида улар томонидан 33 минг гектардан зиёд майдон, 23 минг километрлик ариқ ва лотоклар тартибга келтирилди, 18 миллионга яқин дарахтларга шакл берилди. Бундан ташқари, ҳашар кунлари эҳтиёжманд оилаларнинг 367 минг квадрат метрдан зиёд ҳажмдаги уй-жойлари таъмирдан чиқарилди, 18 мингдан ортиқ кам таъминланган оилалар, ногирон ва ёлғиз кексалар ҳолидан хабар олиниб, уларга моддий ёрдамлар кўрсатилди. Ушбу мақсадлар учун 1,5 миллиард сўмга яқин маблағлар йўналтирилди. Шуларга мос равишда ҳудудларда янги иншоотлар, фуқаролар йиғинлари бинолари ҳамда гузарлар фойдаланишга топширилди.

Фаргона вилоятида ҳам хайрия ҳашари уюшқоқлик билан ўтказилиб, қўллаб бунёдкорлик юмушлари бажарилди. Жумладан, Бувайда туманидаги Овчи қишлоғида сунъий қопламали футбол майдончаси, Дангара туманидаги "Пишқарон" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидан

спорт-соғломлаштириш маркази ишга туширилди. Кам таъминланган оилалар ва Мурувват уйларига 850 миллион сўмлик моддий ёрдамлар кўрсатилди.

Қўштепа туманида истиқомат қилувчи 90 ёшни қаршилаган, яқка-ёлғиз қария Фотима ая Олимованинг дил сўзларига қулоқ тутамиз: "Ҳашарнинг биринчи кунини уйимга маҳалла фаоллари кириб келиб, ҳолимдан хабар олишди. Бундай эътибор ва ғамхўрликдан жуда ҳам миннатдор бўлдим..."

— Жиззахда ўтказилган умумхалқ хайрия ҳашарида вилоят ахли фаол иштирок этди, — дейди "Маҳалла" хайрия жамоат фонди вилоят бўлими бошқаруви раиси А. Сатторов. — Икки кун давомида 1100 гектардан ортиқ майдон, мавжуд зиёратгоҳ ва қабристонлар ободонлаштирилди, 870 километрлик ариқ ва лотоклар тозаланди. Саховатпеша ҳомийлар кўмағида эҳтиёжманд оилаларнинг уй-жойлари таъмирланди ва кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилалар, яқка-ёлғиз қариялар ва ногиронларга 72,5 миллион сўмлик яқин мурувват ёрдамлари улашилди.

— Ҳашарда хикмат кўп, — дейди Самарқанд вилоятининг Иштихон туманидаги "Иштихон" маҳалла фуқаролар йиғини раиси А. Отахонов. — Буни беҳиз айта-маямман. Утган ҳашарларда маҳалламизда маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, болалар спорт майдончалари қурилган бўлса, бу гал оилавий поликлиника ишга туширилди. Замоनावий кўринишга эга ушбу тиббиёт муассасаси зарур тиббий жи-

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Бугун юртимизда 130 дан зиёд миллат ва элат вакиллари бир оила фарзандларидек, тенг ҳуқуқлик ҳамда ўзаро ҳамжиҳатлик шароитида яшаб, Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшиб келмоқдалар. Уларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини таъминлаш, таълим

лаётган кенг қўламли ислохотлар, халқимиз турмуш фаровонлигини янада ошириш йўлидаги эзгу ишларда муҳим асос бўлиб хизмат қилаётир.

Ҳозир мамлакатимизда бир юз қирққа яқин миллий маданий марказлар самарали фаолият юритмоқда. Президентимиз ташаббуси билан мазкур марказлар фаолиятини мувофиқлаштириш, уларга

ларни ҳам муносиб ташкил этиш анъанага айланган. Айтайлик, корейсларнинг экин-тикин юмушлари тугалланиши билан боғлиқ Овол Тано, полякларнинг ҳосил байрами — Дожинки, болгарларнинг Мартиница, татар ва бошқирларнинг Сабантуй каби айёмлари жойларда эмин-эркин ўтказилапти. Утган давр мобайнида Республика байналмилал

кенглик руҳида тарбиялаш — фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг муҳим омилли" каби мазмунлар илмий-амалий анжуманлар ташкил этилмоқда. Бу йил Мустақиллигимизнинг 22 йиллиги ҳамда Обод турмуш йили муносабати билан барча вилоятларда "Ўзбекистон — умумий уйимиз" шиори остида анъанавий дўстлик ва маданият фестиваллари ўтказилаётир. Ҳозирги кунга қадар фестиваль доирасида Қорақалпоғистон Республикаси, Тўққизта вилоят ва қирққа яқин туманда семинар ҳамда давра суҳбатлари, миллий маданий марказлар бадиий жамоалари иштирокида концерт дастурлари ташкил этилди. Фестивалнинг яқиний босқичи декабрь ойида Тошкент шаҳрида ўтказилади. Бу тадбирларда қатнашаётган турли миллат ва элат вакиллари Ўзбекистондек жаннатмонанд юрда туғилиб, ўз орзу-умидлари рўёбини кўраётганликларидан бахтиёр эканликларини фахру ифтихор ила таъкидламоқдалар.

Чиндан ҳам, мамлакатимизда истиқомат қилаётган барча миллат ва элат вакиллари яхлит ҳолда Ўзбекистон халқини ташкил этади. Улар бир-бирлари билан ҳамжиҳатликда юртимиз равақига ўзларининг муносиб хиссаларини қўшмоқдалар. Бағрикенглик тамойилларини асосида мустаҳкам қарор тошган бундай дўстона муҳит билан ҳар қанча фахрлансақ арзийди. Зеро, Юртбошимиз эътироф этганларидек, "Бизнинг энг катта бонувимиз, энг асосий ютуғимиз — бу, аввало, Ватанимиз осмонининг мусаффолиги, жамиятимизда ҳукм сураётган миллатлар ва фуқаролараро аҳиллик ва ҳамжиҳатлик, дўстлик ва бирдамлик муҳитидир".

Насриддин МУҲАММАДИЕВ, Республика байналмилал маданият маркази раҳбари.

## Янгича ёндашув самараси

Навоий шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими Вазирлиги ҳамда Жаҳон банки ҳамкорлигида "Мақтаб таълимини ривожлантириш" лойиҳасининг иккинчи босқичи доирасида конференция ташкил этилди.

### АНЖУМАН

Тадбирда Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимиз таълим тизимида амалга оширилаётган ислохотлар, ўқитишнинг замонавий услубларидан кенг фойдаланиш, янгича ёндашувлар асосида таълим сифатини юксалтиришга қаратилган эътибор ўз самараларини бераётгани алоҳида таъкидланди.

Шунингдек, вилоятдаги 35-мактабга таълим муассасаси ва 148-умумтаълим мактаби мазкур лойиҳанинг биринчи босқичи доирасида ўқув-методик анжомлар ва материаллар, курғазмали воситалар билан тўлиқ таъминланди. Лойиҳанинг иккинчи босқичи доирасида эса умумтаълим мактабларининг истиқболли лойиҳалари танлов ўтказилди. Муносиб маҳсулоти 18 та таълим муассасасининг ҳар бири 5 минг АҚШ доллари микдоридан грантга эга бўлди ҳамда мазкур мактабларга 12 насадан Netbook жамланмаси тақдим этилди.

Конференция ва лойиҳанинг иккинчи босқичи доирасидаги ўқув-семинарларда фаол қатнашган ўқитувчи ҳамда услубчиларга вазирликнинг фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари топширилди.

Азамат ЗАРИПОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

# Тинчлик ва барқарорликнинг муҳим таянчи

олишлари, ўз қизиқиш ва лаёқатлари бўйича касб-хунар эгаллашлари, маданиятлари, урф-одатлари, анъаналарини сақлаш ҳамда ривожлантиришлари учун барча имкониятлар яратиб берилган. Бундай бекиёс эътибор натижасида кўп миллатли халқимизнинг бой тарихий-маданий мероси қайта тикланди, қадр топди. Барча миллат вакилларининг давлат бошқаруви, иқтисодий, ижтимоий ва маданий жараёнларда кенг ва эркин иштирок этиши кафолатланди. Бундан ташқари, умумтаълим мактабларимизда таълимни етти тилда олиб бориш йўлга қўйилгани, кўп сонли миллатлар тилида газета-журналлар чоп этилаётгани, радио ва теледастурлар эфирга узатилаётгани ҳам истиқлол шарофатидандир.

Қолаверса, юртимизда миллатлар ва динлараро тотувликини мустаҳкамлаш, маънавий-ахлоқий тарбияни кучайтириш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу барча соҳаларда ҳаётга таътиқ эти-

амалий ва услубий ёрдам кўрсатиш мақсадида 1992 йилда Республика байналмилал маданият маркази ташкил этилган. У жамиятимиздаги тинчлик ва оқсоқиллик, миллатлараро тотувликини янада мустаҳкамлаш, миллий ва умумбашарий анъаналарни равнақ топтириш, уларнинг мазмун-маъносини кенг тарғиб қилишга баҳоли қудрат ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. Анъанавий тарзда ўтказилаётган маданий-маърифий тадбирлар, анжуманлар, концерт дастурлари, фестиваллар, кўрик-танловлар шулар жумласидандир. Масалан, "Ўзбекистон — умумий уйимиз", "Қудратимиз — бирлик ва ҳамжиҳатлик" каби шиорлар остида ташкил этилаётган фестиваллар кўп миллатли халқимизнинг чинакам дўстлик анжуманига айланган улгурди. Ҳар йили Наврўз ва Мустақиллик байрамлари миллий маданий марказлар билан биргаликда кенг нишонланаётир. Шунингдек, миллий маданият кунлари, декадалари, миллий байрам-

маданият маркази томонидан миллий маданиятлар, фуқаролик бирлигининг назарий ва амалий асослари, миллатлараро ва конфессиялараро уйғунлашув ҳақида ўн тизга яқин адабиётлар нашр этилди. Айниқса, "Ўзбекистон — умумий уйимиз", "Миллий ғоя — бизнинг ғоя", "Миллатлараро ҳамжиҳатлик ва динлараро бағрикенглик — тарраққиёт омилли", "Ўзбекистон — бағрикенг дийр", "Ў з б е к и с т о н Конституцияси — буюк келажигимиз кафолати", "Мустақил Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар ривожини кучайтириш" каби китоблар катта қизиқиш билан кутиб олинди. Жойларда анъанавий тарзда "Мақсад бир, ғоя бир, Ватан ягона!", "Миллатлараро тотувлик — тинчлик ва барқарорлик омилли", "Ёшларни миллатлараро тотувлик ва диний бағри-

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

## Истиқболли лойиҳалар — юксалиш омилли

Таъкидлаш жоизки, айни пайтда юртимизда Япониянинг молиявий-техник кўмағида соғлиқни сақлаш, таълим, энергетика, транспорт ва телекоммуникация тармоқларида аҳамияти жиҳатидан муҳим бўлган ўнлаб лойиҳалар амалга оширилмоқда. Когенерацион газ турбинаси технологиясини жорий этиш лойиҳаси эса ўзининг ноёблиги билан алоҳида ажралиб туради. Хусусан, унда 27,15 МВт кубватига эга газ турбинасини қуриш кўзда тутилган.

Тошкент иссиқлик электр маркази пойтахтимиз уй-жой-коммунал тармоғи ва ишлаб чиқариш субъектлари-га электр энергияси ҳамда иссиқлик таъминоти етказиб

берувчи етакчи корхоналардан бири эканлигини инобатга олсак, бу лойиҳанинг нечоғли муҳимлигини англаш мушкул эмас. Бинобарин, янги технология энергия ишлаб чиқариш ҳажминини 228 миллион кВт соатга кўпайтириш имконини беради. Бу эса марказда бир йилда 400 миллион кВт соат электр энергияси ишлаб чиқарилиб, йилга 39 миллион куб метр табиий газ тежаллади, дегадир.

Мазкур лойиҳа "Ўзбек-энерго" ДАКнинг ўз маблағлари ҳамда "NEDO" томонидан тақдим этилган

38 миллион АҚШ долларидан грант маблағи ҳисобидан амалга оширилди.

Соҳа мутахассисларининг айтишича, ушбу курилма бир қатор кулайликларга эга. Аввало, оддийлиги ва тўлиқ автоматлаштирилганлиги боис унинг бошқариш жуда осон. Қолаверса, ёқилган фойдаланиш борасида тежамкор, экологик жиҳатдан зарарсиздир.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ф. Иброҳимов сўзга чиқди.

Дилшод УЛУҒМУРОДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Шу кунларда гўза парварлини кизгин давом этираётганимиз, кўзланган кўрсаткичларга эришишга умидимиз катта.

Жиззахлик деҳқонларнинг бундай ютуқларга

қиётида янги босқич бўлди, дейиш мумкин. Бу иқтисодиётнинг аграр сектори фаолиятини такомиллаштириш, қишлоқ ахлининг фаровонлик даражасини ошириш йўлида қудратли омил бўлаётир.

Мен деярли 30 йилдан

## Юксак эътибордан беҳад миннатдорман

эришиш омиллари унчалик мураккаб эмас. Вилоят фермерлар кенгаши раиси сифатида шуни айтишим мумкинки, ризқ-рўзимиз манбаи — ерга нисбатан янгича муносабатда бўлиш, қишлоқ хўжалиги экинлари етиштиришнинг замонавий усулларини жорий қилиш, фермер хўжалиқлари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш муваффақиятлар пойдевори бўлмоқда. Ўзбекистон қисқа муддат мобайнида галгани импорт қилишдан экспорт қилишга ўтиши — Президентимиз томонидан пухта ўйланган аграр сиёсат, деҳқонларга кўрсатилган улкан ғамхўрлик ва эътибор натижасидир.

Ҳозирги пайтда мамлакатимизда бозорларимизни сифатли қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминлаётган деҳқонлар, чорвадорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимояладиган самарали механизм яратилди. Давлатимиз раҳбари ташаббусига биноан, Ўзбекистон Фермерлар кенгаши ҳамда унинг жойларда тузилмавий бўлинмалари ташкил этилиши фермерлик ҳаракати тарак-

буён қишлоқ хўжалиги соҳасида ишлаётган бўлсам, фақат мустақиллик йилларидагина, бошқа фермерлар каби, ўзимни ҳақиқий замин соҳиби сифатида ҳис қилдим. Қишлоқда янги хўжалик юритиш муносабатлари одамлар фаровонлигини муттасил ошириш омилли бўлиб қолди, бу эса ёшларимизда агроном, селекциячи, фермер, механизатор ва аграр соҳанинг бошқа мутахассисларини еттиштиришга имконият берди. Демак, ишончимиз комилки, катта авлод урнига улуг Ватанимиз фаровонлиги, ободлиги ва янада гуллаб-яшнаши йўлида фидойилик кўрсатадиган ёш мутахассислар етишиб чиқади.

Менга берилган юксак унвон янги зафарларга, янада юқори меҳнат ютуқларига эришишга ундайди. Бу ишонч оқлаш ва юртдошларимизга, ёшларимизга намуна бўлишга ҳаракат қиламан.

Анороб ЭШМАТОВ, Жиззах вилояти, Пахтакор туманидаги «Анвар» фермер хўжалиги раҳбари.

## ҚУТЛАЙМИЗ!

Президентимиз Фармонига биноан, Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йиғирма икки йиллиги муносабати билан бу гуруҳ ретобитларимиз давлатимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланди. Жумладан, "Халқ сўзи" газетаси бўлим муҳаррири Мақсуд Уроқович Жонихонов «Шўхрат» медалига муносиб кўрилди. Ҳамжасбимизни бу юксак мукофот билан чин дилдан табриқлаб, ишончи қандашда янада катта муваффақиятлар тилаймиз.

Зокир ХУДОЙШУКУРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.



Ҳасан ГАЙДИЕВ олган сурат.



## ШАРҚ ТАРОНАЛАРИ

Бу, гўзал Шарқ таронаси,  
Қалб нидоси, кўнгли рози.  
Самарқанд — муҳис онаси,  
Ўз фарзанди — навосози.

Офтоб уйқусидан турмай,  
Карнайга жўр бўлар сурнай.  
Дунё бўйлаб даврон сургай  
Ўзбекистоним овози.

Бу бир гулшан — сато боғи,  
Ҳар шохда қуш — япроғи.  
Дилни яйратар сайроғи —  
Ёз навоси, наво ёзи.

Гоҳ япон, гоҳ куйлар немис,  
Шляпалик испан эмиш,  
Ҳабаш ҳам соз чалиб келмиш,  
Янграб ўзбек «Чапандози».

Ой — муаллим, печка юлдуз  
Гўё талаба ўғил-қиз.  
Регистондан узолмас кўз,  
Кўндуз қўёш — ишқибози.

Тангри буюк кашф маҳали,  
Жонни танга жойлагали,  
Чорлаган-ку сурнай чалиб,  
Ишонч қомил, Худо рози.

Фахр этмайин мен ҳам нечун,  
Кўрсатайин қалам кучин.  
Хур халқ учун, бир юрт учун  
Шунча бўлур-да эъзози!

Саъдулла ҲАКИМ.

**«Ўзбекистон минтақавий ННТлар ижтимоий аҳамиятли лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш грант дастури» доирасида**

### ГРАНТ ОЛИШ БЎЙИЧА ЛОЙИҲАЛАР ТАНЛОВИ

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 22 йиллигини нишонлаш муносабати билан ва «Обод турмуш йили» Давлат дастурини ижро этиш доирасида Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси, «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди ва Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди

**«ОБОД УЙИМ»**

танловнинг 2-даврага лойиҳавий талабномаларни қабул қилиш бошланганлиги тўғрисида эълон қилади.

Лойиҳалар қўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси нодавлат нотижорат ташкилотларидан ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларидан куйидаги йўналишлар бўйича қабул қилинади:

- қишлоқ жойларининг ижтимоий инфратузилмасини яхшилаш, маҳаллаларни ободонлаштириш масалаларини ҳал қилиш;
- ички йўлларни таъмирлаш, аҳоли яшаш жойларига туташ ҳудудларни санитария қоидаларига мувофиқ тозалаш ва кўчаларни яхшилаш, оқим маҳаллалар ва чегарадош ҳудудлар аҳолиси тоза ичимлик сувида баҳраманд бўлишини таъминлаш ва ҳ.к.;
- қишлоқ жойларининг экологик шароитини яхшилаш, кичик ижтимоий объектларни (мактаблар, шифоналар, қишлоқ врачлик пунктлари ва ш.ў.) муқобил энергия манбалари (кўёш батареялари, шамол генераторлари, биогаз қурилмалари ва ш.ў.) билан таъминлашга қўмаклашиш ва ҳ.к.;
- амалий хунармандчилик, халқ хунармандчилиги ва бошқа турдаги тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга қўмаклашиш;
- касб-хунар таълими сифатини яхшилаш, қишлоқ жойларида яшовчи ёшлар ва аёлларнинг молия соҳасидаги саводхонлигини ва бизнес кўникмаларини ошириш;
- қишлоқ аҳолиси, айниқса, хотин-қизлар ва ёшлар учун янги иш ўринларини ташкил қилиш ва бандлигини таъминлаш;
- ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламларига, шу жумладан, жисмоний имконияти чекланган шахслар, кам таъминланган оилалар учун ижтимоий хизматларни тақдим этиш, шунингдек, иш билан таъминлаш хизматларини кўрсатиш;
- атрофдагиларнинг парваришига муҳтож бўлган ёлғиз қариёлар, пенсионерлар ва ногиронларга ўз ўйларидида сифатли ижтимоий хизматларни тақдим этиш;
- аҳоли саломатлигини мухташамлаш ва соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш масалаларида аҳоли хабардорлигини ошириш.

**Иштирокчиларга қўйилмаган мажбурий талаблар.**

Талабномани топшириш учун талабгор шахс куйидаги талабларга жавоб бериши керак:

- юридик шахс бўлиши;

Ўзбекистоннинг турли минтақаларини ифодаловчи танлов иштирокчилари учун ташкилот муҳри ва раҳбарининг имзоси қўйилган сканер қилинган шаклдаги ҳужжатни куйидаги электрон манзил бўйича юборишга рухсат этилади: [funduz@parliament.gov.uz](mailto:funduz@parliament.gov.uz) Маълумот учун телефонлар: (+99871) 239-26-76, 239-29-38.

**Танловда қатнашиш учун куйидаги ҳужжатларни тақдим этиш лозим:**

- танловнинг номи кўрсатилган эркин шаклдаги илова хати;
- [www.funduz.gov.uz](http://www.funduz.gov.uz) ва [www.sif.uz](http://www.sif.uz) сайтларида жойлаштирилган шаклдаги грант олиш бўйича лойиҳавий талабнома;
- талабномага илова сифатида қўйилган лойиҳани амалга оширишнинг тақвимий режаси.
- ташкилот рўйхатга олинганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг иккинчи нусхаси.
- низомиёни иккинчи нусхаси (унга киритилган ва ташкилот муҳри билан тасдиқланган барча ўзгариш ва қўшимчалар).
- қўллаб-қувватловчи хат.

Талабномалар ўзбек ёки рус тилида қабул қилинади. Кўрсатилган муддатдан кеч тақдим этилган ёки барча зарурий маълумотга эга бўлмаган талабномалар қўрилмай қолдирилади.

Ҳужжатлар 2013 йил 20 сентябрь соат 18.00 гача қабул қилинади.

**Конвертга солинган танлов бўйича ҳужжатлар (А4 форматда) ва талабномага илова хати (шунингдек, электрон намунаси) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондида куйидаги манзил бўйича юборилиши лозим:** Ўзбекистон Республикаси, 100035, Тошкент шаҳри, Бунёдоркўшкўчаси, 1-уй. Тел./факс: (+99871) 239-26-76, 239-26-64.

● Реклама ва эълонлар ●

## Тиббий кўрик ва тезкор муолажа

Сирдарё вилоятида «Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин» шиори остида ижтимоий лойиҳа амалга оширилди.

### САЛОМАТЛИК ҲАФТАЛИГИ

Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси вилоят бўлими, «Саломатлик ва тиббий статистика» институтининг вилоят филиали ҳамда бошқа тиббиёт муассасалари бош қўшган мазкур тадбир натижасида ижтимоий ёрдамга муҳтож кишилар чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказилди.

— Лойиҳани амалга ошириш жараёнида вилоятнинг барча ҳудудлари қамраб олинди, — дейди

«Саломатлик ва тиббий статистика» институтининг Сирдарё вилояти филиали директори Феруза Аманликова. — Тиббий кўрик энг илгор ташхис усуллари ёрдамида ўтказилди. Хасталик аниқланган беморларга керакли тавсиялар берилиб, даволаш чоралари белгиланди. Шунингдек, мазкур хайри тадбир доирасида «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси вилоят бўлими томонидан кўплаб турдаги бепул дори-дармон, тиббий-гигиена воситалари ва адабиётлари ҳам тарқатилди.

Наманган вилоятида ташкил этилган навбатдаги саломатлик ҳафталиги доирасида иختисослаштирилган даволаш-профилактика муассасаларининг етук мутахассислари болалар, аёллар, кекса ёшдаги отахон ва онахонларнинг энг илгор усул хамда жиҳозлар ёрдамида чуқурлаштирилган тиббий текширувдан ўтказилди.

— Набирамда кўз билан боғлиқ муаммо юзага келган эди, — дейди тошбулоқлик Набижон Мамадалиев. — Кўрик чоғида уни тажрибали офтальмологга олиб кирдим. Хасталик ўз вақтида аниқлангани боис даволаш осон кечишини эшитиб, хурсанд бўлдим. Соғломлаштириш жараёнида, айниқса, болалар ва ўсмирлар саломатлигини назоратдан ўтказишга алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, вилоят сил касалликларига қарши кураш диспансери мутахассислари томонидан текширув чоғида касаллик аломатлари кузатиладиган беморлар дарҳол шифоналарга жўнатилди. Худди шундай соғломлаштириш тадбирлари Тўрақўрғон тумани ҳамда Наманган шаҳрида давом эттирилди.

— Тадбир гоёта уюшқоқлик билан ташкиллаштирилди, — дейди вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бош мутахассиси Фурақатжон Раҳматов. — Ҳафталик давомида тўрт минг нафардан зиёд фуқаро чуқурлаштирилган тиббий кўриқга жалб қилинди. Беморларнинг аксарияти даволашни юзасидан маслаҳат берилди, жиддий хасталиги аниқланган кишилар эса вилоят ва республика шифоналарига ётқизилди.

**Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ,  
Қудратилла НАЖМИДИНОВ,  
«Халқ сўзи» мухбирлари.**

Масъул муҳри

**BANK IPAK YO'LI**

## «Ипак йўли» ОАТБ жамоаси

бунёдкор халқимизни Ўзбекистон Республикасининг

# Мустақиллик кунини билан самимий муборакбод этади!

Мамлакат ривожининг муҳим босқичида барчага янги зафарлар, мустақкам соғлиқ, бахт ҳамда бошлаган хайрли ишларида омадлар тилайди!

Истиқлолимизнинг ҳар бир кунини қувонч ва янги муваффақиятлар олиб келсин!

### Qishloq Qurilish Bank

**Юрtdошларимизни Мустақилликимизни 22 йиллиги байрами билан қўшлайдим!**

Энг улғу, энг азиз айём барчага тинчлик-тотувлик, оилавий хотиржамлик олиб келишини тилайди ва куйидаги муддатли янги омонат турларини тақдир этади:

**Миллий валютада**

- «Ором» — муддати 1 ой.
- «Равнақ» — муддати 3 ой.
- «Оила манфаати» — муддати 4 ой.
- «Мафтункор» — муддати 6 ой.
- «Самарали» — муддати 9 ой.
- «Саховат» — муддати 12 ой.
- «Обод турмуш» — муддати 24 ой.

**Хорижий валютада**

«Стимул» — муддати 1 — 3 ой.

1. Тошкент шаҳар минтақавий филиали (8-371) 150-77-21
2. Тошкент вилояти минтақавий филиали (8-371) 150-79-19
3. Андижон минтақавий филиали (8-374) 222-23-72
4. Фарғона минтақавий филиали (8-373) 229-70-91
5. Наманган минтақавий филиали (8-369) 223-04-37
6. Бухоро минтақавий филиали (8-365) 223-92-21
7. Самарқанд минтақавий филиали (8-366) 210-02-49
8. Қашқадарё минтақавий филиали (8-375) 771-04-26
9. Сурхондарё минтақавий филиали (8-376) 770-83-72
10. Қорақалпоғистон минтақавий филиали (8-361) 224-22-15
11. Хоразм минтақавий филиали (8-362) 227-48-15
12. Сирдарё минтақавий филиали (8-367) 221-00-71
13. Жиззах минтақавий филиали (8-372) 771-63-38
14. Навоий минтақавий филиали (8-436) 770-27-97

Банкдаги омонатлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 28 ноябрдаги «Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларидаги омонатларини ҳимоялаш кафолатларини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони асосида тўлиқ кафолатланади.

**Мурожаат учун телефонлар: (+99871) 150-76-53, 150-39-93.**

**«Қишлоқ қурилиш банк» — фаровон ҳаётингиз хизматида!**

[www.qqb.uz](http://www.qqb.uz) Хизматлар лицензияланган.

### «Ўзбек Лизинг Интернешнл А.О.» ЁАЖ ҚК

*лизинг компанияси*

аввал «Раҳмонов То'учибой Раҳмонovich» ФХга тегишли бўлган куйидаги кўчмас мулклар сотилиши ҳақида эълон қилади:

1. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш учун музлаткич, майдони — 766,00 кв.м.
2. Устахона биноси, умумий майдони — 528,78 кв.м., шундан фойдаланиш майдони — 480,87 кв.м.

**Манзил:**  
Ўзбекистон Республикаси, Фарғона вилояти, Олтиариқ тумани, Мустақиллик кўчаси, 132-уй.

**Кўчмас мулкларни сотиб олиш бўйича тўлиқ маълумотни юқоридаги манзилдан олиш мумкин.**

**Телефон: (+99871) 120-02-02.**

**Маъсул шахс — Ҳолтураев Сухроб.**

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Микробиология институти жамоаси биология фанлари доктори, профессор <b>Исмаил ДЖУМАНИЯЗОВ</b> нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.	Ўзбекистон Миллий телерадиокорпорацияси жамоаси марказий аппарати Моддий-техника таъминлаш бўлими бошлиғи Абдулла Ҳамраева падари бузруквор <b>Нарзулла ота ХАМРАЕВИН</b> нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.	Давлат-тижорат Халқ банки жамоаси банк фахрийси <b>Хикматилла Мирҳоджаевич ЮНУСОВ</b> нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.
--	---	--

**UZBEKNEFTEGAZ**

# «ЎЗБЕКНЕФТЕГАЗ»

МИЛЛИЙ ХОЛДИНГ КОМПАНИЯСИ

кўп миллатли Ўзбекистон халқини,  
ҳамкасблари ва ҳамкорларини энг улуг  
ва энг азиз айём —

## Мустақиллик куни

билан кутлайди!

*Барчага мустаҳкам соғлиқ,  
фаровонлик, оилавий бахт, Ўзбекистоннинг  
гуллаб-яшнаши йўлидаги бунёдкорлик  
ишларида улкан муваффақиятлар  
тилайди!*



**Мустақиллик байрамингиз  
муборак бўлсин,  
азиз юртдошлар!**

# «Ўзбекинвест»

ЭКСПОРТ-ИМПОРТ МИЛЛИЙ СУГУРТА КОМПАНИЯСИ

мамлакатимиз аҳлини Ўзбекистон Республикасининг

## Мустақиллик куни

шодиёнаси билан самимий муборакбод этади!

*Барчангизга сихат-саломатлик,  
тинчлик-хотиржамлик, бахт ва саодат тилайди!*



Фурсатдан фойдаланиб, суғурта шартномаларини тузиш ниятида бўлган азиз юртдошларимизга ўзининг 90 дан ортиқ мажбурий ва ихтиёрий суғурта маҳсулотларини таклиф этади.

Хизматлар лицензияланган.

# «Ўзнефтьгазқазибчиқариш»

АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ ЖАМОАСИ

Истиқлолимизнинг

## 22 йиллиги

муносабати билан сиз, азизларни  
чин дилдан табриклайди!

*Мустақилликнинг мустаҳкамлаши,  
жонанжон юртимизни янада обод қилишидек  
сизу интиқимларингизда зафарлар,  
жонадонингизга файзу баракот тилайди!*



**Халқ сўзи**  
**Народное слово**

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Бюджетга Г — 854. 79 620 нусхада босилди, ҳажми — 3 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

МУАССИСЛАР:  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси  
Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва  
Ўзбекистон Республикаси Вазиirlар Маҳкамаси



ТЕЛЕФОНЛАР:  
Девонхона 233-52-55;  
Котибият 233-10-28; Ўялолар 232-11-15.



Тахририятга келган қўлэмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.  
Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.  
Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ:  
100000,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.  
Навбатчи котиб — А. Орипов.  
Навбатчи муҳаррир — Ш. Ортиқов.  
Навбатчи — З. Худойшукуров.  
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 22.25 Топширилди — 22.35 1 2 3 4 5